

TP + FN

Предложенная система может быть представлена как архитектура, включающая следующие уровни: получение данных, детекция объектов, агрегация признаков, вероятностная модель и модуль принятия решения. Такая структура соответствует общим принципам построения интеллектуальных систем и обеспечивает разделение этапов обработки информации [4].

В работе предложена интеллектуальная система ситуационного анализа видеопотока с БЛА, основанная на вероятностной модели классификации. Показано, что переход от детекции объектов к агрегированному описанию сцены позволяет формализовать задачу как задачу анализа состояния системы. Получена логистическая модель, расширенная учётом временной динамики признаков. Предложенный подход соответствует современным направлениям развития интеллектуальных систем и может быть использован в задачах мониторинга инженерных конструкций,

технологических объектов и инфраструктуры. Перспективы дальнейших исследований связаны с расширением набора признаков и развитием методов анализа временных зависимостей.

Список литературы

1. Лебедев, А. И. Универсальная платформа с БЛА для реализации разработок с техническим зрением / А. И. Лебедев // Новая наука в новом мире : сборник статей X Международной научно-практической конференции, Петрозаводск, 18 марта 2025 года. – Петрозаводск : Международный центр научного партнерства «Новая Наука» (ИП Ивановская И.И.), 2025. – С. 28–35. – EDN SCYQQY.
2. Ким, Ю. В. Разработка системы компьютерного зрения для безопасной посадки беспилотного летательного аппарата в условиях искажения визуальной информации / Ю. В. Ким, И. А. Кайсина // Альманах научных работ молодых ученых Университета ИТМО. – Санкт-Петербург, 2021. – С. 45–48.
3. Вульфин, А. М. Интеллектуальный анализ видеоданных в системе контроля соблюдения правил промышленной безопасности / А. М. Вульфин // Моделирование, оптимизация и информационные технологии. – 2020. – Т. 8, № 2 (29). – DOI: 10.26102/2310-6018/2020.29.2.010.
4. Охотников, А. Л. Ситуационная аналитика в системах технического зрения: термины и определения / А. Л. Охотников // Наука и технологии железных дорог. – 2021. – Т. 5, № 2 (18). – С. 55–63.
5. Мармыш, Д. Е. Применение логистической регрессии к вычислению повреждаемости твердого деформируемого тела / Д. Е. Мармыш // Механика машин, механизмов и материалов. – 2021. – № 1. – С. 46–53. – DOI: 10.46864/1995-0470-2020-1-54-46-53. – EDN NDRLLT.

ХОРИЖ ПСИХОЛОГИЯСИДА СТРЕСС МУАММОСИНИ ТАЛҚИНИ

Эшмонов О.Б.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
Амалий психология кафедраси катта ўқитувчиси, психология ф.ф.доктори

Аннотация: Мазкур мақолада стресс муаммосининг психологияда ўрганилиши, стресс борасида хориж психологиясида муаммога бўлган ёндошув, стресс борасида жaxon психологларининг фикр-мулоҳазалари ва ғоялари, стресснинг намоён бўлиши, уни кечиши борасидаги илмий назарияларнинг таҳлили борасида фикр юритилади.

Калит сўз: Шахс, стресс, стресс муаммоси, стрессга барқарорлик.

INTERPRETATION OF THE STRESS PROBLEM IN FOREIGN PSYCHOLOGY

Eshmonov O.B.

Senior Lecturer of the Department of Applied Psychology, PhD in Psychological Sciences,
Samarkand State University named after Sharof Rashidov

Abstract: This article discusses the study of the problem of stress in psychology, approaches to the issue of stress in foreign psychology, the opinions and ideas of world psychologists regarding stress, as well as the analysis of scientific theories concerning the manifestation and progression of stress.

Keywords: personality, stress, stress problem, stress resistance.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПРОБЛЕМЫ СТРЕССА В ЗАРУБЕЖНОЙ ПСИХОЛОГИИ

Эшмонов О.Б.

старший преподаватель кафедры прикладной психологии, доктор философии (PhD) по
психологическим наукам
Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова

Аннотация: В данной статье рассматривается изучение проблемы стресса в психологии, подходы зарубежной психологии к проблеме стресса, мнения и идеи мировых психологов о стрессе, а также анализ научных теорий, касающихся проявления и протекания стресса.

Ключевые слова: личность, стресс, проблема стресса, стрессоустойчивость.

Инсоннинг психик соҳаси унинг ижтимоий ҳаётининг фаол жараёнида асосий ўринни эгаллайди ва бунда айнан психологик стресс бошқарув жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Психологик стресс шахс психикасида юзага келаётган жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, шахс томонидан ўзининг мураккаб экстремал ҳолатини ўзига хос кўринишда акс эттиришдан иборат бўлган психик ҳолат бўлиб, вазиятнинг фавқулоддалиги, инсоннинг юзага келган вазиятга муносабати ва унинг мураккаблигини баҳолаши билан белгиланади. Вазиятнинг кутилмаганда ўзгариши, тайёргарликнинг йўқлиги, вақтни етишмаслиги, ишнинг юқори аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, топириқ учун шахсий масъулият каби ҳолатлар психологик стрессга олиб келувчи вазиятлар ҳисобланади.

Дж.Эверли ва Р.Розенфельдларнинг тадқиқотларига кўра, ички ва ташқи таъсирларнинг стрессорларга айланишида айти шу таъсирларни мантикий ва ҳиссий баҳолаш муҳим рол ўйнайди. Агар таъсир шахсга нисбатан хавф – хатар ёки таҳдид сифатида қабул қилинмаса, у ҳолда стресс ҳолати юзага чиқмайди. Муаллифларнинг фикрига кўра, шу тарзда аксарият таъсирлар шахс томонидан пайдо қилинади ва уларга узоқ вақт имкон берилса, стресс шунча вақт давом этади[5].

З.Фрейд ҳам стресс борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, ҳиссий стресс ҳолатини юзага келтирувчи хавотирни реал, невротик ва ахлоқий хавотир турларини кўрсатиб ўтган. Унинг фикрига кўра, реал хавотир объектив кўринишда бўлиб, мавжуд бўлган хавфдан огоҳлантиради, невротик хавотир эса англанмаган кўркув бўлиб, индивидга хос ёшлик даври билан боғлиқ бўлган инстинктив эҳтиёжлар ва реалликка асосланса, ахлоқий хавотирда шахснинг ўзлаштирган ижтимоий меъёрларнинг эҳтиёжлари асосида бузилишидан кўрқшини англатади.

К.Хорнинг тадқиқотларида хавотир ҳақида ўзига хос ёндашувни кўришимиз мумкин. Болага бўлган салбий муносабат унда психик зўриқишларнинг ортиши, хавотирлиқни шаклланишига ва ижтимоий оламга нисбатан салбий муносабатни пайдо бўлишига олиб келади. Бундай вазиятда шахс доимий психик босим ва стресс ҳолатида бўлиб, унинг ҳаётий фаолиятидаги асосий мақсад психик босимни енгишга йўналтирилиб, у бошқаларга нисбатан тажовузкор, итоаткор ва ёлғизланиш каби характер хусусиятларини намоён этади[3].

Р.Кеттелл томонидан оилб борилган тадқиқот ишларида шахс хусусиятлари борасидаги ёдошувида ёш давларига асосланган ҳолда шахс ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига урғу беради. Унинг фикрича, шахс ривожланишининг асосий босқичи бўлиб, ўсмирлик ва ўспиринлик даврига тўғри келиб, у 11-18 ёш давларини қамраб олган ушбу давр қийинчилик ва стресс даври ҳисобланади, шунингдек стресс ва ҳиссий ҳолатларнинг бузилишини асоси сифатида эса мустақиллик, ўз "Мен" ига урғу бериш ва қарама-қарши жинсга интилиш борасида юзага келадиган ҳолатларни кўрсатиб ўтади[2].

Г.Айзенк ўзининг изланишлари асосида ҳулқ-атворнинг генетик назариясига невротизм типини ажратиб кўрсатади. Унга кўра, невротик шахслар хавотирли, депрессив, зўриқишларга эга, иррационал ва кайфияти ўзгарувчанлиги билан характерланади, уларда ўзини баҳолаш паст ва айбдорлик ҳисси юқори бўлади. Айзенкнинг таъкидлашича, невротизм туғма хусусият бўлиб, генетик маҳсул ҳисобланади. Невротизм хусусияти юқори бўлган шахсларнинг автоном нерв тизимини ҳиссий ҳолатини назорат қилувчи мия марказининг фаоллигида намоён бўлади. Бу эса организмнинг хавотирлик сигнали сифатида стресс таъсирларига нафас олиш, юрак уруши ва адреналиннинг ортиши натижасида деярли барча қийин вазиятларга жавоб қайдаради. Барча индивидда невротизм ёки ҳиссий барқарорликка нисбатан генетик боғланиш мавжуд бўлади[2].

А.Бандура ўзининг илмий изланишлари натижасида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: травматик вазиятлар инсонда стресснинг пайдо бўлишига олиб келади. Кўпгина инсонлар ҳаёти давомида стресс ҳолатини келтириб чиқарувчи травматик омиллар, яъни низоли тўқнашув, авария, табиий офат ва бошқа вазиятларга дуч келади. Бу каби омиллар баъзи инсонларда кучли стресс реакцияси шаклида намоён бўлади ва ўша вазиятлар уларнинг хотирасида сақланиб қолиши, тушларида қайдарилиши, юқори таъсирчанлик, концентрациянинг бузилиши, депрессия, ҳиссий ёлғизлик ҳолатларига сабаб бўлиши мумкин[1].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, психологияда стресс муаммоси борасида олиб борилган тадқиқот ишларида унинг пайдо бўлиши, босқичлари сифатида хавотирлик, резистентлик ва тугаш босқичлари, стресснинг физиологик ҳамда психологик турлари, стресснинг соматик, ҳиссий, ҳулқ-атвор ва когнитив белгилари тўғрисида фикр-мулоҳазалар ва ғоялар илгари сурилган. Кўплаб хорижий олимларнинг илмий изланишлари асосида стресс борасида бир қатор ёндашувлар, жумладан стресснинг намоён бўлишида шахснинг ички ва ташқи таъсири, стрессга мойилликнинг ирсий жиҳатлари, стрессга қаршилиқ кўрсатиш, стресснинг пайдо бўлишида хавотирланиш ҳолатларининг назарий жиҳатлари асослаб берилган.

Адабиётлар рўйхати

1. Bandura A., Benight.C.C. Social cognitive theory of posttraumatic recovery: the role of perceived self-efficacy. Behaviour Research and therapy 42 (2004).
2. Boyle G.Y, Stankov L, Petrides K.V., Eysenck MW, Ortet S, Hans U. Aysenk and Raymond B.Cattell on intelligence and personality. Personality and Individual Differences 103.(2016).
3. De Roberts. Deriving a humanistic theory of child development from the works of Carl.R.Rojers and Karen Horney. Journal: the humanistic psychologist, 34 (2) . 2006.
4. Revelle W. Personality structure and measurement: The contributions of Raymond Cattell. British Journal of Psychology 2009, 100.
5. Эверли Дж.С. Стресс: природа и лечение. Перевод с англ./ Дж.С.Эверли, Р.Розенфелд. –М., Медицина,2003.

СОСТОЯНИЕ ИЗУЧЕННОСТИ ПРОБЛЕМЫ СТРЕССА В ПСИХОЛОГИИ СТРАН СНГ

Абдурасулов Р.А.

профессор кафедры прикладной психологии, доктор психологических наук,
Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова